



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACISI NOMIDAN Х У К М

2020 йил март ойининг 5 куни жиноят ишлари бўйича Самарқанд вилоят судининг очик суд мажлиси ўз биносида бўлиб, ҳайъатда:

Раислик қилувчи; судья Ж.Ботиров,

Халқ маслаҳатчилари: Т.Набиева ва М.Ходжаевадан иборат таркибда,

Судья катта ёрдамчиси Ф.Мухаммадиевнинг котиблигида, тарафлардан Самарқанд вилоят прокуратураси бўлим прокурори А.Абдураимов, судланувчи М.Д ва унинг ҳимоячиси – адвокат У.Набиев, Х.Ф ва унинг ҳимоячиси – адвокат Б.Абдуллаев, К.Д ва П.Д ҳамда уларнинг ҳимоячиси – адвокат Н.Сафаров, жабрланувчи Г.Энинг иштирокида, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 97-моддаси 2-қисми “ж,и,п” бандлари, 164-моддаси 3-қисми “г” банди ва 267-моддаси 3-моддаси “в” банди билан айбланиб судга берилган судланувчи Д М Э, Ф Х Р, Д П Э ва Д К Эларга оид 1-14-1905/4-20-сонли жиноят ишини кўриб,

Д М Э – 19?? йил 30 декабрда ??????? туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, муқаддам судланмаган, якка тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланган, ??????? тумани, ??????? МФЙга қарашли ??????? қишлоғи, 169-уйда яшаган, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 221-моддаси тартибида 2019 йил 30 сентябрь куни ушланган ва 2019 йил 1 октябрь куни “қамоққа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини олган;

Ф Х Р, 19?? йил 31 май куни ??????? туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, оилали, 2 нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, Тошкент шаҳри, ?????????????????? трестида ишчи вазифасида ишлаган, ??????? тумани, Фаровон Йулдошобод МФЙга қарашли Эшонқора қишлоғида яшаган, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 221-моддаси тартибида 2019 йил 30 сентябрь куни ушланган ва 2019 йил 1 октябрь куни “қамоққа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини олган;

Д П Э, 1985 йил 06 январда ??????? туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, муқаддам судланмаган, якка тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланган, ??????? тумани, ??????? МФЙга қарашли ??????? қишлоғи, 169-уйда яшаган, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 221-моддаси тартибида 2019 йил 30 сентябрь куни ушланган ва 2019 йил 1 октябрь куни “қамоққа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини олган;

Д К Э 19?? йил 20 мартда ??????? туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, оилали, 2 нафар фарзандлари бор, муқаддам судланмаган, якка тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланган, ??????? тумани, ??????? МФЙга қарашли, ??????? қишлоғи, 169-уйда яшаган, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 221-моддаси тартибида 2019 йил 30 сентябрь куни ушланган ва 2019 йил 1 октябрь куни “қамоққа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини олган.

Суд ҳайъати, иш бўйича судланувчилари, жабрланувчи ва гувоҳларни сўроқ қилиб, жиноят иши ҳужжатларини таҳлил қилиб, тарафларнинг музокара сўзлари ва судланувчиларнинг охириги сўзини тинглаб, қуйидагиларни,

а н и қ л а д и:

Судланувчи Д М Э, Ф Х Р, Д П Э ва Д К Элар бир гуруҳ бўлишиб, ўта шафқатсизлик билан қасдан одам ўлдириш ҳамда транспорт воситасини олиб қочиш жиноятларини қуйидаги ҳолатларда содир этишган.



Жумладан, 2019 йил 28 сентябрь куни МДга акаси ????????нинг турмуш ўртоғи ???????? муружаат қилиб, унга ???????? тумани, ???????? қишлоғида истиқомат қилувчи фуқаро Р.Э қўнғироқ қилиб, ишқий муносабатда бўлишни таклиф қилаётганини маълум қилган ва ўзи тўғрисида маҳаллада гап-сўзлар тарқалмаслигини олдини олиш учун Р.Эга дўқ-пўписа қилиб, қайтиб қўнғироқ қилмаслиги учун кўрkitиб қўйишини сўраган.

Шундан сўнг, М.Д янгаси ????????нинг шаънига доғ туширмоқчи бўлган Р.Энинг ҳаракатларидан ғазабланиб, ундан ўч олишни ўйлаб, ўзининг акалари П.Д, К.Д ва янгаси ????????нинг укаси Х.Фга мазкур ҳолат тўғрисида маълум қилиб, улар билан Р.Эни жазолаш тўғрисида ўзаро олдиндан жинойий тил бириктириб, уни алдов йўли билан овлоқ жойга қақришга ва у ерда Р.Эни қасдан ўлдиришни режалаштиришган.

2019 йил 28 сентябрь куни тахминан соат 20¹⁵ да М.Д, П.Д, К.Д ва Х.Флар ????????дан Р.Эни телефон орқали алдаб қақриб беришини сўраб, гуёки у билан фақатгина суҳбатлашиб қўйишлари кераклигини билдиришган, ???????? эса уларнинг гапига ишониб, ўзининг уяли телефони орқали Р.Эга қўнғироқ қилиб, ундан ???????? тумани, ???????? маҳалласидаги овлоқ жойга келишини сўраган.

Шундан кейин, М.Д шу куни тахминан соат 20³⁰ да янгаси ????????нинг уйдан чиқиб кетаётганида ўзининг жинойий шериклари Х.Ф, П.Д ва К.Д билан биргаликда келгусида жинойий қилмишларини содир этилишида қурол сифатида фойдаланиш учун ҳовлидаги аёллар рўмоли ва ерда ётган белкуракни дастасини олиб, ???????? марҳум Р.Э билан учрашув белгилаган жойга боришган.

2019 йил 28 сентябрь куни соат 21⁰⁰ ларда Р.Э учрашув белгиланган жой, яъни ???????? тумани, ???????? маҳалласига ўзига тегишли бўлган Espero русумли давлат рақами 30В ??? РА бўлган автомашинасида борганида, у ерда олдиндан тайёргарлик кўриб, уни қасдан ўлдириш мақсадида кутиб турган М.Д ва унинг жинойий шериклари Х.Ф, П.Д ва К.Длар кутилмаганда Р.Эга ҳужум қилиб, Х.Ф боши билан унинг юз қисмига бир маротаба урганидан сўнг, М.Д кўлида бўлган таёқ билан, П.Д ва К.Длар қўл-оёқлари билан танасининг дуч келган жойларига, жумладан ҳаёти учун муҳим бўлган тана аъзоларига дамба-дам бир неча маротаба ўта шафқатсизлик билан уриб тан жароҳатлари етказишганидан кейин, Х.Ф ўзларининг жинойий мақсадларини охирига етказиш учун дастлаб олдиндан тайёрлаб қўйган аёллар рўмоли билан, сўнг эса қўли билан Р.Энинг бўйин соҳасидан бўғиб, бир неча маротаба қорин соҳасига тепиб, Р.Эни ўта шафқатсизлик билан қасдан ўлдиришган.

Шундан сўнг, М.Д, Х.Ф К.Ж ва П.Длар содир этган жинойий қилмишларининг изларини яшириш мақсадида, Р.Эни мурдасини унга тегишли бўлган Espero русумли давлат рақами 30В ??? РА бўлган автомашина салонига жойлаб, ушбу транспорт воситасини олиб қочишиб, мурда ва жиноят содир этишда фойдаланган қуролларини йўқ қилиш учун ???????? тумани, Бектуп маҳалласи ҳудудидан оқиб ўтувчи ???????? канали қирғоғига автомашинани М.Д бошқариб бориб, автомашинани ичидаги Р.Энинг мурдаси ва жиноят қуролларини сувга ташлаб, Espero русумли давлат рақами 30В ??? РА бўлган автомашинани ???????? тумани, Тортувли маҳалласи, Тортувли кўчаси, 761-уйни олдиғача бошқариб боришиб, автомашинани шу жойда қолдириб кетишган.

Суд мажлисида сўроқ қилинган судланувчи Д М Э ўз кўрсатувида, 2019 йил 28 сентябрь куни тахминан соат 09⁰⁰ да уйдан ташқарига чиқиб турганида янгаси ???????? унинг олдига келиб, унга "...мана буни бир эшитинг-да" деб кўлидаги қўл телефонига ёзиб олинган аудио ёзувни қўйиб берганлиги, телефонда ёзиб олинган ёзувни кейинчалик таниган Р ака "...Сиз патирчимиз?, патир қандай бўляпти" деб айтганлиги, шунда янгаси "...қанақа патирчи, нима деяпсиз" деб телефонни ўчириб қўйганлиги, сўнг у янгасидан "...ким бу эркак" деб сўраганида янгаси унга бу эркакнинг кимлигини билмаслигини, унга анча вақтдан буён тинимсиз қўнғироқ қилаётганлигини айтганлиги, кейин ???????? "...кейинроқ уйга ўтинг, бу эркакнинг кимлигини аниқлаб айтаман" деб ўзининг уйига кетганлиги, сўнг у бу ҳолатдан жуда ҳам таъсирланиб, уйга кириб, шу вақтда Россияда бўлган акаси Сиржиддинни хотини ????????га бегона эркаклар гапирса маҳалланинг олдида шарманда бўлишини ўйлаб, шу эркакнинг кимлигини аниқлаш мақсадида янгаси ????????ни кимига борганлиги, шу вақти янгаси ошхонасида ўтирганлиги, янгаси телефонини олиб уни олдига келиб, янгасига қўнғироқ қилган нотаниш эркакнинг телефон рақамига қўнғироқ қилганлиги, телефонни баланд овозга қўйиб эркакдан "...боя телефон қилувдингиз ким бу" деб сўраганлиги, эркак киши "...мен 33-сонли мактабни олдида турадиган Р таксичиман" деб айтганлиги, янгаси ундан "...нима гап" деб сўраганида Р "...Сиз билан учрашайлик, гаплашмоқчиман" деб айтганлиги, янгаси ???????? "...нима ҳақида" деганида Р янгасига ҳаваси кетганлигини, гаплашиб ўтирмоқчи лигини айтганлиги, янгаси нима гаплигини сўраганида Р телефонда айтолмаслигини, ўтириб



гаплашишни таклиф қилганлиги, у шу вақти янгасига “...номерни кимдан олганлигини сўранг” деб айтганлиги, янгаси Рдан номерини кимдан олганлигини сўраганида, Р қизил жигули ВАЗ 2106 русумли автомашина ҳайдовчисидан олганлиги, янгаси у кимлигини айтишни сўраганлиги, Р учрашганида айтишини билдирганидан сўнг янгаси кечга ўзи телефон қилишини айтиб, телефонни учирганлиги, у уларнинг суҳбатини эшитиб ўтирганлиги, кейин янгаси уйининг тандирхонасини олдида “...куним шу Рга қолдим, акангиз қандай одам эди” деб йиғлаганлиги, Р кўшни қишлоқда яшашлиги, у авваллари ҳам эри йўқ аёлларга гапириб, шилқимлик қилиб юришлигини айтиб, янгаси бунини нимадир чорасини кўриш кераклигини, бўлмаса кўчага ҳар-хил гаплар чиқиб кетиши мумкинлигини айтганлиги, сўнг у янгасига “...нима қиламиз” деганида ???????? унга Х укасининг телефон рақамини бериб, “...Х билан гаплашинг, Р ака билан кечга бир гаплашиб, кўрқитиб кўяйлик” деб айтганлиги, сўнг у ўзининг уйига қайтиб бориб уйга кириб ухлаганлиги, у пешин кун ботишигача ухлаганлиги, ухлаб турганидан сўнг уйда бўлган акаси П.Дни чақирганлиги, сўнг у П.Дга маслаҳатли гап борлигини айтиб уйда турадиган “Матиз” русумли автомашинани ёқиб, машина қизигунча П.Дга акасига ушбу ҳолат ҳақида айтганлиги, шунда у билан бирга автомашинада К.Днинг уйига боришганлиги, акаси К.Д уйдан “...кеч бўлганда қаерга кетяпсизлар” деб чиқиб қолганлиги, кейин акасига ҳам машинага ўтиришини айтиб унга ҳам бўлган воқеани айтганлиги, шунда унга “...нима қиламиз” деб маслаҳат сўраганида К.Д профилактика инспекторига бериб юбориш кераклигини айтганлиги, кейин учаласи маслаҳатлашганлиги, лекин бир қарорга келолмаганлиги, сўнг у ????????нинг укаси Х.Фга кўнғироқ қилиб, уни уйда эканлигини билишгач унинг яшаш уйига боришганлиги, унга опаси Хнинг қўл телефонига ёзилган овозли ёзувни кўйиб эшиттириб берганлиги, сўнг Х “...онангни эмгур” деб сўкиниб кетганлиги, шунда Х.Ф “...бу ифлос ким” деб сўраганлиги, улар унга кўшни қишлоқда яшовчи Р ака эканлигини, уни кўчада ҳамма “...Р бузук, ёбир ёки жалаб” деб лақабини кўшиб айтишлигини, чунки у эрдан ажрашган ва эри четга кетган аёлларни алдаб уларни йўлда уришлигини айтганлиги, сўнг у акалари К.Д, П.Д ва Х.Ф билан ???????? туманидан янгаси Х.Мни уйига келганлиги, кейин ҳаммаси бирга ўтириб, нима қилишни маслаҳатлашганлиги, профилактика инспекторига берса кўчада янгаси “...Р билан юрибди” экан деган ҳар-хил гап тарқалиб кетишини ўйлашганлиги, сўнг улар Р.Эни янгасининг телефон рақамини қаердан олганлигини билиш учун у билан учрашиб, кўрқитиб кўймоқчи бўлишганлиги, кейин янгаси Р.Эга кўнғироқ қилганлиги, Р.Э телефонини кўтармаганлиги, бир-икки дақиқадан сўнг унинг ўзи янгасига қайтиб кўнғироқ қилганлиги, кейин янгаси Р.Э билан уни таклифини уйлаб кўрганлиги, учрашишга розилигини билдириб, соат 21⁰⁰ да қишлоғидаги пахтахонада учрашишга келишганлиги, сўнг улар яна янгаси ????????нинг уйда у, акаси К.Д, П.Д ва янгасининг укаси Х.Ф Р.Эни нима қилиш ҳақида маслаҳатлашганлиги, Р.Эдан янгасининг телефон рақамини кимдан олганлигини билиб, ўзини шарманда қилиб кўйиб юбормоқчи бўлишганлиги, улар фуқаро Р.Эни уриб, янгасини олдига келганлигини айтиб, уйига олиб бориб шарманда қилишга келишганлиги, у янгасининг уйдан агар Р.Э автомашинасида қочиб кетмоқчи бўлса калтак билан автомашинасини ойналарини синдириш мақсадида шу ердаги белкуракнинг дастасини олганлиги, сўнг Р.Эни кўлини боғлаб, кийимларини ечиб шарманда қилмоқчи бўлганлиги сабабли уйдан бир дона аёллар рўмолини олганлиги, кейин Матиз русумли автомашинани уйига ташлаб, пахтахона яқин бўлганлиги сабабли пиёда борганлиги, сўнг шу ерда нима қилиши ҳақида у акалари К.Д, П.Д янгасининг укаси Х.Флар ўтириб яна маслаҳатлашганлиги, акаси К.Д Р.Эни профилактика инспекторига бериб юборишини, у ҳам шундай қилишини айтганлиги, лекин Х.Ф профилактика инспекторига берса, “...пулини олиб кўйиб юборади, фақатгина опамни шарманда бўлгани қолади” деб айтганлиги, шу орада Р.Э ўзининг автомашинасида келиб қолганлиги, уни олдига биринчи бўлиб Х чошиб бориб нимадир деб гаплашиб турган жойида боши билан Р.Эни юзига бир маротаба калласи билан уриб, кўлини орқага қайириб, кўли билан Р.Энинг бўғиб олганлиги, сўнг акаси П.Д ва у чошиб бориб Р.Эни ерга ётқизиб тўғри келган жойига урганлиги, у кўлидаги калтак билан Р.Энинг оёғининг сонига урганлиги, Х.Ф унинг бошига муштлаб ура бошлаганлиги, шу вақти акаси К.Д келиб “...урманлар бунини, номерни кимдан олганлиги сўраймиз” деб айтганлиги, кейин Р.Эни кўлини боғламоқчи бўлганлиги, у қаршилик қилганлиги учун боғлай олмаганлиги, Р.Эдан бир неча маротаба янгаси ????????нинг телефон рақамини кимдан олганлигини сўраганлиги, лекин Р.Э номерни кимдан олганлигини айтмаганлиги, сўнг улар Р.Эни иштонини ечиб, “...сени видеонгни чиқариб юборамиз” деб кўлидаги телефон аппаратини унга тутганлиги, лекин уни телефонини хотираси тўлиб қолганлиги учун видеога ололмаганлиги, фақатгина Р.Эни шундай деб кўрқитмоқчи бўлганлиги, шунда Х уни айтганини қилса ўзига яхши бўлишини айтганлиги, шунда Р номерни кимдан олганлигини айтмасдан қаршилик кўрсатганидан кейин Х “...сен мени опам билан юрмоқчи бўлдингми” деб, дастлаб уни бўйнидан қўллари билан кейин эса улар ўзи билан бирга



олиб келган рўмол билан бўғиб, "...опамни номерини қаердан олдинг, олдин ҳам опамни олдига келганмисан" деб сўраганида Р.Э қизил жигули ҳайдаб юрадиган шахсдан олганлигини айтганлиги, лекин исмини айтган ёки айтмаганлигини билмаслиги, сўнг Х.Ф яна Р.Эни бўйнидан рўмол билан бўғиб қорин соҳасига бир неча маротаба тепганлиги, шу вақти у янгаси ????????ни телефонини олиб келиш учун уйига кетганлиги, шунда янгасининг қўл телефонига акаси ???????? телефон қилганлиги, у кишига Р исмли одам янгасига телефон қилиб ишқий муносабатда бўлишни таклиф қилганлигини айтганлиги ва ҳозир шу Рни чақирган жойга кетаётганлигини айтиб телефонини ўчириб қуйганлиги, янгасидан телефонини олиб келганлиги, шунда қайтиб келганида акаси К.Д Х.Фнинг кўлидан тортиб, "...ўлдириб қўясан, қўйиб юбор" деб айтганлиги, сўнг Х.Ф кўлини қўйиб юборганидан кейин Р.Э хушидан кетиб ерга йиқилганлиги, сўнг акаси П.Д уни хушига келтириш мақсадида баклашкада ариқдан сув олиб келиб юзига сепганлиги, улар дастлаб Р.Эни ёлғондан қиялти деб ўйлаганлиги, кейин қараса нафас олмаётган эканлиги, сўнг акаси К.Д келиб Р.Эни нафас олмаётганлигини айтгандан кейин Х.Ф текшириб кўриб уни ўлганлигини айтганлиги, сўнг улар ҳаммаси Р.Энинг ўлиб қолганлигини кўриб кўрқиб қолишганлиги, шунда акаси К.Д марҳум Р.Эни шу туришида ИИБга олиб бориш керак деб айтганлиги, лекин, улар рози бўлмаганлиги, "...агар ИИБга олиб борсак, бизни ҳаммамизни қамаб қўяди" деб айтганлиги, сўнг акаси К.Д агар ИИБга олиб бормасанлар, "...биланларингни қилинлар, мен бу ерда бўлмаганман, мен кетдим" деб айтганлиги, сўнг у, акаси П.Д ва Х.Флар билан бирга Р.Эни ўзининг автомашинасининг орқа ўриндиғига тортиб чиқарганлиги, уларни ҳеч қайси бири автомашинани ҳайдашни билмасликларини айтганлиги сабабли у рулга ўтирганлиги, акаси П.Д унинг ёнига ўтирганлиги, Х.Ф орқага ўтирганлиги, кейин у машинани ҳайдамоқчи бўлганида, автомашинани орқага ҳайдолмаганлиги, автомашинани орқага итариб йўлга тўғрилаб олганлиги, у жуда ҳам қарахт аҳволда автомашинани бошқариб юрганлиги, улар автомашинада нима қилишни маслаҳатлашганлиги, биров тез ёрдамга олиб боришни, биров милицияга олиб боришни, биров поезд йўлига ташлашни, биров қабристонга кўмиб ташлашни айтганлиги, сўнг нима қилишни билмай "???????" каналига ташлашга келишганлиги, у жуда ҳам кўрқиб кетганлиги сабабли шок ҳолатда автомашинани қаерга, қайси томонга ҳайдаётганини билмасдан Х.Ф айтган томонга рулни бошқариб, автомашинани ???????? туманига Х.Фларнинг уйи томонга қараб ҳайдаб борганлиги, у ўзини жуда ҳам йўқотиб қўйганлиги, шу вақтида у ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимларига мурожаат қилишни айтган пайтида Х.Ф йўқ бўлмади буни "???????" каналига олиб бориб ташлашни айтганлиги, сўнг "???????" каналини олдига бориб улар ҳаммаси Р.Эни мурдасини автомашинадан тушириб, судраб олиб бориб каналга итариб тушириб юборганлиги, кейин автомашинани итариб буриб олиб, қайтишда тахминан 500 метрлар ўтганидан сўнг "???????" канали бўйлаб кетаётганида Х.Ф, автомашинани тўхтатишини, автомашинада из қолмаслиги учун ундаги қон доғларини ювиб, артиб ташлашни айтганлиги, кейин у автомашинани тўхтатганлиги, улар ҳаммаси тушиб, Х.Ф автомашинани ўзида турган қизил рангли эски сочиқни олиб, "???????" каналдан сувга ботириб автомашинани юва бошлаганлиги, сўнг Х.Ф унга ҳам бўш ўтирмасдан автомашинани аритишини айтганлиги, у эгнидаги оқ рангли олдида йўл-йўл кул рангли чизиқлари бўлган футболкаси билан автомашинадаги қон доғларини кетказиш учун артганлиги, сўнг шу ерда у ўзи билан бирга олиб келган белкуракнинг дастасини "???????" каналига Х.Ф ташлаб юборганлиги, автомашинани артган футболкасини қаерга ташлаганлигини эслай олмаслиги, кейин автомашинага ўтириб йўлда давом этганлиги, йўлда кетаётганида Х.Ф ундан Р.Энинг қўл телефони қаердалигини сўраганлиги, сўнг у Р.Эни қўл телефонини чўнтагидан чиқариб Х.Фга берганлиги, Х.Ф телефонни деразадан отиб юборганлиги, ёнида Х.Ф, орқа ўриндиқда акаси П.Д ўтириб, автомашинани нима қилишни маслаҳатлашганлиги, улар автомашинани Тортувли қишлоғидаги 35-сонли мактабни олдига олиб бориб қуйганлиги, автомашина эшикларини қулфламасдан очиқ ҳолатда, калитини ўзи билан олиб кетганлиги, сўнг йўлга қайтиб келишда зовурга автомашина калитини отиб юборганлиги, сўнг у, акаси П.Д ва Х.Флар билан бирга янгаси ????????нинг уйига борганлиги ва янгасига Р.Эни ўлдириб қуйганлигини айтганлиги, янгаси акаси К.Д келиб бўлган воқеаларни айтганлигини билдирганлиги, шунда улар нима қилиш ҳақида гаплашганлиги, янгаси ???????? "...сизлар хавотир олманлар, марҳум Р.Эга биринчи бўлиб мен кўнғироқ қилганман, топишса ҳам мени биринчи бўлиб топишади, ҳеч нарса демасам сизларни ҳеч ким топа олмайди" деб айтганлиги, шундай қилиб улар ҳаммаси бу ҳодиса ҳақида ҳеч кимга айтмасликка келишиб, уйларига кетишганлиги уйга келганида акаси К.Д уларни кутиб турганлиги, унга нима қилганларини айтиб берганлиги, 2019 йил 29 сентябрь куни кечқурун уйга кириб ётганида ИИБ ходимлари уларнинг уйига бориб

ари билан бирга туман ИИБ биносига олиб келишганлиги, акаси К.Д ва П.Д янгасининг укаси
 янгаси ????????лар билан Р.Эни бир икки тарсаки уриб уни кўрқитиб қўйиш ва янгасини



телефон номерини кимдан олганлигини аниқлашга келишиб олишганлиги, уни ўлдириш мақсадлари бўлмаганлиги, Х.Ф.Р.Эни бўғаетган вақтда у янгаси ???????нинг қўл телефонини олиб келиш учун кетганлиги, у вақтда Р.Э тирик бўлганлиги, қайтиб келганда Р.Эни хушсиз ҳолда бўлганлигини кўрганлиги, дастлаб рўмол ва белкурак дастасини янгаси ???????нинг яшаш уйдан у олганлиги, уларни олганлигини ??????? кўрсатганлиги, Р.Эни дастлаб Х.Ф урганлиги, ундан сўнг П.Д, учинчи бўлиб у урганлиги, акаси К.Д урмаганлиги, у ва акаси П.Д Р.Эни тўғри келган жойига урганлиги, акаси П.Д ва ўзи уни тепганлиги, акаси К.Д уларни урмасликка чақириб турганлиги, у қўлидаги калтак билан Р.Эни оёғига урганлиги, жанжал бўлаётган жойда янгаси ??????? бўлмаганлиги, шу вақтда у уйда бўлганлиги, жанжал жойи ва янгаси ???????нинг яшаш уйи орасидаги масофа тахминан 700-800 метрни ташкил қилганлиги, Р.Э нафас олмай кўйганда уни нима қилишни билмасдан автомашинага ортишганлиги, акаси К.Д бунга аралашмаганлиги ва уларга нотўғри иш қилаётганликларини билдириб бу ердан кетишганлиги, у акаси П.Д янгасининг укаси Х.Флар билан бирга Р.Эни автомашинасида канал томон боришганлиги, автомашинада бўлган Р.Эни каналга ташлаш фикри Х.Фдан чиққанлиги, Р.Эни бошига калтак билан урмаганлиги, у Р.Эни қўл телефонини янгаси ???????ни исмини нима деб сақлаганлигини билиш учун олганлиги, уни Х.Фга берганлиги, автомашинани деразасидан телефонни отиб юборганлиги, автомашинани Р.Энинг қариндошлари топиб олишлари учун уни атай мактаб олдига ташлаб кетишганлиги, акаси К.Д уларни бу ҳаракатлардан қайтаришга уринса-да улар бунга йўл кўйишганлиги, Р.Эни касалхонага олиб бориш фикри ҳам К.Ддан чиққан эди бироқ Х.Ф бунга кўнмаганлиги, улар ҳам оқибатидан кўрқиб касалхонага олиб бормаганлиги, у айбига тўлиқ иқрорлигини, қилган ишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини инобатга олиб, қонуний енгиллик беришни баён қилган.

Суд мажлисида сўроқ қилинган судланувчи Ф Х Р ўз кўргазмасида, 2019 йил 28 сентябрь куни яшаш уйда тахминан кеч соат 19⁰⁰ ёки 20⁰⁰ ларда опаси ???????нинг қайинукаси М.Д қўл телефонига кўнғироқ қилиб, маслаҳатли иш борлигини айтиб уйига келаётганлигини айтганлиги, шунда у уйга кирмасдан кўчага чиқиб турганлиги, шундан сўнг М, К ва Плар ўзларига тегишли бўлган оқ рангли Матиз русумли автомашинада яшаш уйини кўчасининг олдига келишганлиги, М.Д унга опаси ???????га қишлоғидаги кейинчалик билган Р.Э “...чик гаплашайлик рози қиламан, бирга бўлайлик” деб таклиф юборганлигини айтиб қанақадир телефонда гаплашилган аудио ёзувни автомашина ичида кўйиб берганлиги, шунда М.Д ушбу эркак кишини топиб гаплашишликни таклиф қилди, шундан сўнг уларнинг таклифига рози бўлиб ??????? тумани, Қ қишлоғига бориб, М.Днинг яшаш уйининг яқинига автомашинани тўхтатиб турганлиги, сўнг М.Д опаси ??????? билан гаплашган одамни топиб чақиртириб келишини айтиб Матиз автомашинасини уйга киргизиб ўзи пиёда чиқиб келганлиги, шундан сўнг қолганлар билан биргаликда опаси ???????нинг яшаш уйига борганлиги, ??????? опасини уйдан кўчага чиқиб улар билан гаплашиб унга “...ҳақиқатдан ҳам шундай бўлдими” деб айтганида Р ака жинсий алоқада бўлишликни таклиф қилганлигини айтганлиги ва ёзувни такроран кўйиб берганлиги, нима қилишни айтганида ??????? “...ўша шахсни кўрқитиб кўйинглар” деб айтганлиги, у Рга телефон қилганида у киши телефонди кўтармаганлиги, бироздан сўнг яъни, 5-10 дақиқадан кейин ўша одамнинг ўзи телефон қилиб қолганлиги, шунда ??????? уни қишлоқ ердаги пахта даласи четига чақирганлиги, сўнг келишувга кўра тўрталаси опасининг уйи олдидан тўғри пахта далалари томонга кетганлиги ва опаси ??????? ўша эркакни чақириб беришини ҳамда келишилган, яъни улар кутиб турган жойга олиб боришини айтганлиги, орадан 15-20 дақиқа ўтгандан сўнг К, П, М ва у пахта даласи ичида яшириниб турганлиги, ўша нотаниш одам оқ рангли Эсперо русумли автомашинасида пахта даласи олдига келиб тўхтаганлиги, шунда ??????? шу эркакни шу ерга чақирган бўлса керак деб уйлаганлиги, нотаниш одам машинадан тушиб ???????ни кутиб турганида улар тўрталаси ҳам яшириниб турган жойидан чиқиб эркакнинг олдига бориб унга “...ака яхшимисиз” деб, ундан нима қилиб турганлигини сўраганда у унга “...нима ишинг бор” деб айтганлиги, шунда “...нима учун келганингни билмайсанми” деб унинг юз қисмига боши билан бир калла кўйганлиги, у енкайиб қолганлиги ҳамда М, П ва Клар билан бирга тўрталашиб унинг дуч келган жойларига, кўкрак ҳамда қорин қисмларига урганлиги, у киши ётиб қолганлиги, шунда ўша нотаниш эркак кишини уриб гапиртирмоқчи бўлганлиги ва Кни телефонни ёқиб запис қилмоқчи бўлганида телфоннинг хотираси тўлганлиги сабабли ишламаганлиги, у ўша эркак кишини бўйнидан буғиб ушлаб турганлиги ва ундан опаси билан бирга бўлган ёки бўлмаганлигини, кимдан телефон номерини олганлигини сўраганида у қизил жуғили Ф ёки Ф деган шахснинг исмини айтганлиги, ҳозир ўша одамнинг исмини аниқ эслай олмаслиги, шунда М уни қўлини боғламоқчи бўлганлиги лекин у эркак киши бунга кўймаганлиги, лекин уларнинг саволларига жавоб бермаганлиги, сўнг уни қўли билан бўғганлиги, шу пайти П уни қорин, бел ва тўғри келга жойларига тепиб ташлаганлиги, бу



орада бир пой тапичкаси тушиб қолганлиги сабабли, уни олишга бораётганида К эркак кишини нафас олмаётганлигини айтганлиги, шундан сўнг бориб қараса ҳақиқатдан эркак киши нафас олмаётганлиги, нафас олдираман деб бир икки ҳаракат қилганлиги, кейин уни ўлиб қолган билганлиги, шундан сўнг ҳаммаси шокка тушганлиги, ИИБга ёки тез ёрдамга олиб боришни маслаҳат қилганлиги, К ушбу эркакни касалхонага олиб боришни айтганлиги, лекин П, М билан бирга Р аканинг жасадини унинг Эсперо автомашинасини орқа салонига ортганлиги, М автомашинани рулига ўтириб ҳайдаганлиги, П олдинги ўриндиққа у эса орқа ўриндиққа мурданинг ёнига ўтирганлиги, К уларга "...бу ишларингта мени арлаштирмаларинг" деб шу ерда қолганлиги, калтак ва румо унда қолганлиги, уччаласи "???????" канали томонга автомашинани ҳайдаганлиги, ??????? каналининг бандаси яъни, шаршарасидан ўтиб уччаласи эркак кишининг мурдасини автомашинадан тушириб каналга ташлаб юборганлиги, шундан сўнг автомашинага миниб ортига қайтганлиги ва А.Навоий деган жойга бориб 35-сонли мактабнинг олдида автомашинани қолдирганлиги, қоронғу бўлганлиги сабабли бу ишларни қилишда уларни ҳеч ким кўрмаганлиги, сўнг ???????нинг уйига бориб, бўлган воқеани унга айтиб берганлиги, кейин ҳаммасини уст бошини қон бўлганлиги, ҳамма уйларига тарқалишганлиги, 2019 йил 29 сентябрь куни кечга ??????? туман ИИБ ходимлари келиб уни ??????? туман ИИБ маъмурий биносига олиб кетишганлиги, Р.Э эканлигини кейинчалик билганлиги, уни дастлаб ўлдириш нияти бўлмаганлиги, жанжалда дастлаб у урганлиги, кейин П ва Млар урганлиги, К ҳам урганлиги лекин у урганлигини кўрмаганлиги, у қўли билан жаҳл устида Р.Эни буганлиги, у нафас олмай қўйганда уни ўзига келтиришга ҳаракат қилишганлиги, шунда К уни шифохонага олиб бориш лозимлигини айтганлиги, уни каналга ташлаш фикри ўзи, П ва Мдан чиққанлиги, Р.Эни бошидаги жароҳатлар уни каналга ташлашганда у ерда бўлган тош ва шишаларга тегиш натижасида пайдо бўлган, уларни мақсади Р.Эни ўлдириш бўлмаганлиги, ундан опаси ???????ни телефон рақамини қаердан олганлигини сўраш ва уни видеога олиб турмуш ўртоғига кўрсатишни мақсад қилишганлиги, Р.Эни мулкни ўзлаштириш ва автомашинани олиб қочиш мақсадлари ҳам бўлмаганлиги, автомашинада пул бўлганлиги унга ҳам тегинишмаганлиги, у Р.Эни телефон апаратини кўрмаганлиги, уни М ўзига бермаганлиги, шу вақтда шок ҳолатда бўлганлиги сабабли нима қилаётганлигини тўлиқ англамаганлиги, у бугаётганда уни К қўлини тортиб, ундан маълумот олиш лозимлигини айтган эди, шу вақтда у тирик булганлиги, бир оздан сўнг хушини йўқотганлиги, у Р.Эни ўзига келтириш чораларини кўрганлиги, бироқ у ўлганлиги, дастлаб опаси ???????нинг яшаш уйида бўлганида ??????? Р.Эни кўрқитиб қўйишни айтганлиги, уни ўлдиришни айтмаганлиги, Р.Эни қовурғаларига айнан ким урганлигини билмаслиги, бироқ жанжалда ҳамма уни тўғри келган жойида уриб тепганлиги, у айбига қисман иқрорлиги ва қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини инобатга олиб, қонуний енгиллик беришни баён қилган.

Суд мажлисида сўроқ қилинган судланувчи Д П Э ўз кўргазмасида, у 2019 йил 28 сентябрь куни тахминан соат 10⁰⁰ да укаси М.Д келиб, акаси Сирожиддинни турмуш ўртоғи ???????га қўшни қишлоқда яшайдиган Р.Э телефон қилиб у билан юришини таклиф қилиб, тинч қуймаётганлигини у билан акаси К.Дга айтганлиги, шундан кейин улар укаси Мга янгаси ???????ни уйига бориб аниқлик киритиб келишини айтганлиги, укаси М.Д уйдан чиқиб кетиб янгаси билан гаплашиб уйга янгасини қўл телефонини олиб келиб, диктафонга ёзиб олган янгаси ??????? билан Р.Э ўртасида бўлган суҳбатни эшиттирганлиги, унда янгаси ???????га учрашишни таклиф қилиб, у билан бирга юрмоқчи эканлигини, бирор-бир чойхонада кўришишни айтганлиги, шунда янгаси Р.Эга ўзи телефон қилишини айтиб телефонди учирганлиги, шунда асаби бузилиб нима қилишни билма уйга кириб ухлаганлиги, шу куни тахминан соат 17⁰⁰ да уйқудан туриб ташқарига чиқиб, ўзини ишларини қилиб юрганида, укаси М.Д Матиз русумли автомашинасини чиқариб янгасини олдида боришини, нима қилишни эса йўлда гаплашишини айтганлиги, кейин йўлда кетаётганида янгасини укаси Х.Фни чақириб лозимлигини айтиб, укаси М.Д Х.Фга кўнғирок қилиб уни уйига боришаётганлиги, маслаҳатли гап борлигини айтганлиги, Х.Фни яшаш уйига боришиб, кўчада янгаси ??????? ва Р.Э ўртасидаги суҳбатини эшиттирганлиги, шунда Х.Ф "...бу ифлос ким" деб сўраганлиги, улар унга Р ака қўшни қишлоқда яшашлиги, уни кўчада ҳамма "...Р бузук, ёбир ёки жалаб" деб лақабини қўшиб айтишлиги, чунки у эрдан ажрашган ва эри четга кетган аёлларни алдаб уларни йўлда уришлигини айтганлиги, сўнг у, акаси К.Д, укаси М.Д ва Х.Ф ??????? туманидан янгаси Х.Мни уйга келишганлиги, шу вақти янгаси фуқаро Р.Эга телефон қилиб, уни таклифини уйлаб кўрганлигини ва розилигини билдириб, шунда соат 21⁰⁰ ларда қишлоғидаги пахтахонада учрашишга келишганлиги, сўнг янгаси ??????? уларга уни уриб ўлдириб қуймаслигини, бир-икки уриб, қурқитиб қуйишини илтимос қилганлиги, сўнг у, акаси М.Д ва Х.Ф бирга ўтириб нима қилиши кераклигини келишиб олганлиги, улар фуқаро ни уриб, янгасини олдида келганлигини айтиб, уйига олиб бориб шарманда қилишга



келишганлиги, шунда янгаси ???????? “...майли шундай қилинганлар у ифлос нечта оилани уйини куритиб юборди” деб айтганлиги, кейин улар янгасини уйдан чиқиб кетаётганида укаси М.Д кўлига калтак олганлиги, сўнг улар тўрталаси пахтахонага бориб фуқаро Р.Эни кутиб турганлиги, у ўзига тегишли бўлган автомашинасида келганлиги, уни олдига биринчи бўлиб Х.Ф бориб нимадир деб гаплашиб турган жойида боши билан Р.Эни юзига бир маротаба урганидан кейин, у киши пастга қараб эгилиб, Х.Фни қучоқлаб олганлиги, улар бориб Р.Эни туғри келган жойига тепганлиги, у ерга йиқилганидан кейин кўлини боғламоқчи бўлганлиги, у киши қаршилик қилганлиги учун боғлай олмаганлиги, шунда Х.Ф уларни айтганини қилса ўзига яхши бўлишини айтганлиги, шунда ҳам Эгамбердиев қаршилик кўрсатганидан сўнг Х.Ф “...сен мени опам билан юрмоқчи бўлдингми” деб, дастлаб уни бўйнидан кўллари билан кейин эса қаердандир аёллар рўмолини олиб, рўмол билан бўғиб, “...опамни номмерини қаердан олдинг, олдин ҳам опамни олдига келганмисан” деб сўраганида Р.Э қизил жугили ҳайдаб юрадиган шахсдан олганлигини айтганлиги, шунда Х.Ф рўмол билан яна бўғиб, қорин соҳасига бир неча маротаба тепганлиги, сўнг рўмолни ташлаб кўли билан буғганлиги, шу вақти Х.Ф бу ҳолатни видеога олиш кераклигини айтганлиги, кейин укаси М.Д кўл телефонини олиб уни трикосини йичиб видеога олмоқчи бўлганида уни кўл телефони камераси ишламаганлиги, акаси К.Д телефони ёриткичи ишламаганлиги сабабли видеога ололмаганлиги, М.Д эса янгаси ????????ни телефонини олиб келиш учун уйига кетганида Х уни қуйиб юбориб, телефон келгунга қадар ётиб турсин деб айтганлиги, у ерга йиқилиб тушгандан сўнг акаси К.Д келиб Р.Эни нафас олмаётганлигини айтгандан кейин Х.Ф текшириб кўриб уни ўлганлигини билдирганлиги, шунда акаси К.Д “...нима сабабдан бундай бўлди” деб қурқиб қолганлиги, сўнг у бу гапни эшитиб қурқиб ўзини йўқотиб қуйганлиги ва бир бакалашга сув олиб келиб юзига қуйганлиги, у ҳаракат қилмагандан кейин Р.Эни ўлганлигига ишонч ҳосил қилишганлиги, сўнг Х.Ф “...бўлар иш бўлди, қурқманлар энди буни нима қилишни уйлайлик” деб айтганлиги, Х.Ф Р.Эни мурдасини “????????” каналига ташлашни таклиф қилганлиги, сўнг Р.Эни мурдасини ўзини автомашинасига ортишганлиги, автомашинани укаси М.Д бошқарганлиги, у олдига ўтирганлиги, Х.Ф орқага мурдани олдига ўтирганлиги, акаси К.Д эса мурдани Р.Эни касалхонага олиб бориш лозимлигини айтганлиги ва кўрққанлиги сабабли ҳодиса жойида қолганлиги, улар ???????? туманига қараб юрганлиги, автомашинани ичида кетаётганида Х.Ф мурдани тирикосини кийдирмоқчи эканлигини шу боис, фанар тутиб туришини айтганлиги, у фанорни тутиб турганлиги, Х.Ф эса уни тирикосини кийдирганлиги, улар ???????? туманидаги “????????” каналини олдига бориб Р.Эни мурдасини автомашинадан тушириб, судраб олиб бориб каналга итариб тушуриб юбориб, автомашинани нима қилишни маслаҳатлашганлиги, шунда у автомашинани ҳам каналга ташлашни айтганида Х.Ф қишлоғига олиб бориб ташласак ҳеч ким улардан шубҳа қилмаслигини айтганлиги, шунда улар автомашинани Тортувли қишлоғидаги 35-сонли мактабни олдига олиб бориб қуйиб янгаси ????????ни олдига борганлиги, янгасига Р.Эни ўлдириб қуйганлигини айтганлиги, у киши ушбу воқеани акаси К.Д келиб айтганлигини билдирганлиги, шунда улар бу ҳодиса ҳақида ҳеч кимга айтмасликка келишиб, уйига кетганлиги, 2019 йил 29 сентябрь куни уйда ўтирганида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари келиб уларни олиб кетганлиги, Р.Эни ўлдириш, уни автомашинаси олиб қочиш ёки мулкни талон-тарож қилиш мақсадлари бўлмаганлиги, укаси М.Д Р.Эни калтак билан урганлигини кўрмаганлиги, акаси К.Д Р.Эни касалхонага олиб бориш лозимлигини айтса-да, Х.Ф бунга кўнмасдан уни каналга ташлаш лозимлигини айтганлиги, у, укаси М.Д ва Х.Ф марҳумни автомашинага миндириб олиб кетишганлиги, акаси К.Д ушбу жойдан қолганлиги, у Р.Эни бир икки тепганлиги, уни ўлдириш мақсади бўлмаганлиги, фақат кўрқитиб қўймоқчи бўлганлиги, уни ўлдириш мақсади бўлганида юзига сув сепиб ўзига келтиришга ҳаракат қилмаганлиги, у Р.Эни кул телефон аппаратини кўрмаганлиги, айбига қисман иқрорлигини, қилган ишидан чин кунгилдан пушаймонлигини ва шахсини оилавий шароитини инобатга олиб, унга нисбатан қонуний енгиллик беришни баён қилган.

Суд мажлисида сўроқ қилинган судланувчи Д К Э ўз кўргазмасида, 2019 йил 28 сентябрь куни тахминан соат 11⁰⁰ да яшаш уйида ишларини қилиб юрганида укаси М.Д унга янгаси ????????га кўшни қишлоқдаги Р.Э телефон қилиб, уни безор қилаётганлиги, уни учрашувга таклиф қилаётганлиги, у билан жинсий алоқа қилишни айтганлигини, сўнг у участка инспекторига беришини айтганлиги, укаси П.Дни ҳам чақирганлиги, сўнг у М.Дга бу ўйламасдан қилинадиган ишмаслигини кечга бир нарса қилишлигини айтганлиги, М.Д янгаси ????????дан телефонини олиб қўйганлиги ва ундаги Р.Э телефон қилиб гаплашган гапини ёзувини уларга қўйиб берганлиги, сўнг кўшниси Абдулланнинг ўғлини никоҳ тўйи ва неварасининг суннат тўйлари бўлаётганлиги учун у тўйга кетганлиги, тўйда ароқ ичганлиги, соат 19³⁰ ларда тўйдан уйга келганлиги, унга М.Д шу вақтида телефон қилиб уни тўйдан келган ёки келмаганлигини сўраганлиги, унга келганлигини



айтганлиги, у П.Дга тегишли бўлган Матиз русумли оқ рангли автомашинасини ичига ўтирганлиги, улар нима қилишни билмасдан туришганида М.Д ???????нинг укаси Х.Фни ҳам чақиришликни айтиб унга кўнғироқ қилганлиги, уни автомашинада бориб уйдан олиб янгаси ???????нинг уйига боришганлиги, у ерда укалари П.Д, М.Д янгаси ??????? ва унинг укаси Х.Ф нима қилишни маслаҳатлашишганлиги, у ҳудуд профилактика инспекторига мурожаат қилиш лозимлигини айтганлиги, Х.Ф эса участка инспектори берса пул бериб қутулиб кетиши ва бари-бир бу ишини давом эттиришлиги, сўнг улар шарманда бўлишини, кўчага гап чиқиб кетишини айтганлиги, сўнг Х.Ф уни иштонини ечиб бутулкага ўтиргизишни, ўзини шармандасини чиқаришни, шунда ҳеч кимга айтаолмаслигини айтганлиги, сўнг М.Д уни бутулкага ўтирганини телефонга видеога олиб, ушбу видеони тарқатиб юбориш билан кўрқитишни айтганлиги, сўнг янгаси ???????дан уйда бутулка борлигини сўраганлиги, янгаси ҳовлидаги тош терилган жойда ётган бутулкалар борлигини айтганлиги, кейин М.Д айтган жойга бориб бир дона ярим литрлик шиша бутулкани бориб олиб келганлиги, сўнг Р.Э айтилган жойга бориб, уларни кўриб машинадан тушмасдан қочиб кетиши мумкинлигини ўйлаб бир дона калтак олганлиги, кейин ??????? янгасининг уйда турган лопаткани дастасини кимдир ажратиб олганлиги, сўнг Р.Эни ипга боғламоқчи бўлганлиги учун ип излаганлиги, уйдан румолни Х.Ф олиб чиққанлиги, янгасига Р.Эга телефон қилиб уни учрашувга таклиф қилишини, уни ушбу уйдан 300 метрлар наридаги эски боғча биносидан ўтганда пахта мадонига чақиришни, янгаси Х.Фни ўзи тавсия қилганлиги, сўнг янгаси ??????? Р.Эга телефон қилганлиги ва баланд овозга қўйганлиги, лекин Р.Э икки маротаба кўтармаганлиги, сўнг орадан икки уч дақиқа ўтиб Р.Эни ўзи янгаси ???????га қайтиб кўнғироқ қилганлиги, янгаси у билан гаплашишга розилигини айтиб, ўзини уйини олдига келиб унга телефон қилишини айтганлиги, шундан сўнг Р ўзига тегишли бўлган Эсперо русумли автомашинада айтилган пахта майдонига келганлиги, бу вақтда улар иккитадан бўлиб тутларнинг панасида яшириниб турганлиги, янгаси ??????? Р.Эни ортидан пиёда келиши кераклиги, Р.Э келиб автомашинасини пахта майдони четига тўхтатиб, автомашинадан тушганлиги, сўнг биринчи бўлиб Х.Ф кейин М.Д югуриб бориб Р.Эни урганлиги, кейин П.Д уларнинг ортидан бориб, ерда ётган Р.Эни тепканлиги, Р.Э бақирмоқчи бўлганида Х.Ф қўлининг билак соҳасининг орасига Р.Эни бўйнидан қаттиқ қисиб олганлиги, укалари М.Д ва М.Д эса Р.Эни ичига тепиб ташлаганлиги, ўзи уларга урмаслигини, бўлиб қолиши мумкинлигини айтганлиги, ўзи урмаганлиги, Х.Ф Р.Эга "...сен ҳали бақирадиган бўлдингми" деб юзига бир икки мушт туширганлиги, шундан сўнг Р.Э жим бўлганлиги, у Р.Эни қора рангли катакли трикосини ва унинг ички кийимини ечиб олганлиги, уни туфлиси ва наскиси у уларга қаршилиқ кўрсатган вақтида ечилиб кетганлиги, кейин Х.Ф Р.Эни бўйнини бироз бўшатганлиги ва ундан ???????ни номерини қаердан олишганлигини сўраганлиги, Р.Э эса ???????ни номерини қизил жигулидан олганлигини, унинг кимлигини сўраганида ??????? тумани, 35-мактабни олдида яшовчи трактор эхтиёт қисимларини сотувчиси Фарход исмли бир боладан олганлигини айтганлиги, Х.Ф уни таниганлигини, у билан ҳам гаплашишини айтганлиги, сўнг Х.Ф Р.Эни бўйнини румол билан ўраб буғганлиги, Р.Э чийиллаб нафас олмай қолганида яна қўйиб юборганлиги ва Р.Э нафас олишини, ушбу ҳолат 2-3 маротаба такрорланганлиги, сўнг М.Д телефонида Р.Эни аҳволини видеога олмоқчи бўлиб, уни бутулкага ўтиргизиш билан кўрқитмоқчи бўлганида, М.Дни телефони қоронғуда видеога олмаганлиги, сўнг М.Д ???????нинг телефони олиб кетиш учун кетганлиги, шундан сўнг Х.Ф Р.Эни яна буғганлиги, рўмол билан бўғганлиги, бўғганида рўмол қўлидан чиқиб кетганлиги, у Х.Фни қўлидан тортиб ўлдириб қўйиши мумкинлигини айтганлиги, бу вақтда Р.Э хириллаб қолганлиги, шу вақтда М.Д келиб қолганлиги, сўнг Р.Эни хушига келтириш учун юзига П.Д сув сепганлиги, лекин Р.Э ўзига келмаганлиги ва оғзидан қон оққанлиги, Х.Ф уни кўкрак қисмидан нафас бериш учун бир икки маротаба босганлиги, Р.Э нафас олмай қолганлиги ва барчаси кўрқиб қолганлиги, у профилактика инспекторига ёки тез ёрдамни чақиришни айтганлиги, Х.Ф эса ҳозир ИИБ билса уларни қамаб қўйишини айтганлиги, ундан кўра уни автомашинага ортиб ??????? каналига ташлашни айтганлиги, бу ердан кетишни қолганини йўлда гаплашишини айтганлиги, у бу ишларга арлашмаслигини айтганлиги, сўнг улар мурдани автомашинани орқа салонига чап томон орқа эшигидан ортишганлиги, автомашинани орқага юрмаганлиги сабабли уни итариб буришганлиги ва уни ҳаракатлантиришга ёрдамлашганлиги, рулга М.Д ўтирганлиги, П.Д уни ёнига Х.Ф эса орқа ўриндикка ўтирганлиги, Х.Ф унга "...қон излари бўлса йўқот, мурдани ??????? каналига ташлаб юбориб келамиз" деб автомашинага бутулкани, лопатка дастасини, румолни ва Р.Эни кийимларини ортиб кетганлиги, у янгаси ???????ни уйига борганлиги, ???????га бўлган воқеаларни айтиб берганлиги, ??????? нимага ўлдириб қўйганлигини айтиб, унга "...сизни ақлингиз борку, шунинг н сизга айтувдим" деб айтганлиги, сўнг "...Р.Э ўлмагандир" деб Х.Фга, М.Дга ва П.Дга телефон ишганлиги, лекин телефонида туша олмаганлиги, сўнг у кўрқиб уйга кетганлиги, уйига келиб



ўтирганида тахминан соат 2⁰⁰ ёки 3⁰⁰ ларда уйга П.Д ва М.Д кириб келганлиги, Р.Эни ???????? каналига итариб юборишганлигини, автомашинани эса 35-мактабни олдига қўйиб келишганлиги, автомашина калитини эса ариққа отиб юборишганлигини айтганлиги, 2019 йил 29 сентябрда уйда ухлаб ётганида ИИБ ходимлари келишиб уни, укалари М.Д ва П.Дни туман ИИБга олиб келишганлиги, янгаси ????????, укалари М.Д, П.Д ва Х.Флар билан Р.Эни ўлдиришни режалаштирмаганлиги, у ушбу ҳолатни бошидан охирига қадар тинч йўл билан ҳал этиш тарафдори бўлганлиги, айбига қисман иқрорлигини, қилган ишидан чин кунгилдан пушаймонлигини, шахсини, қарамоғида 2 нафар фарзанди борлигини, Р.Эни қасддан ўлдирмаганлигини инобатга олиб, унга нисбатан қонуний енгиллик беришини баён қилган.

Судланувчи М.Д, П.Д, К.Д ва Х.Флар қўйилган айбларига қисман иқрорлик билдириб берган кўргазмасидан ташқари, уларнинг айби қуйидаги суд мажлиси давомида текширилган ва ҳуқуқий баҳо берилган жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўргазмалари ҳамда жиноят иши юзасидан йиғилган бошқа ишончга сазовор ҳолисона далиллар йиғиндиси билан, яъни:

- суд мажлисида сўроқ қилинган жабрланувчи Г.Энинг, марҳум Р.Э турмуш ўртоғи бўлишлиги, 2019 йил 28 сентябрь куни тахминан соат 13³⁰ да қўшнисининг тўйидан уйига қайтиб келганида турмуш ўртоғи Р.Э уйда қурилиш ишларини қилаётган усталарни олидада ўтирганлиги, шу куни тахминан соат 17³⁰ да қишлоқдоши Болтабой телефон қилиб чақирганлиги, у киши билан бир жойга бориб келишини айтиб уйдан чиқиб кетганлиги, шундан сўнг тахминан бир соатлар ўтганидан кейин турмуш ўртоғи Р.Э уйга қайтиб келганлиги, сўнг кичкина қизи Ў.Пармонова ўқишдан келганлиги учун у билан бирга ош қилганлиги, кейин тахминан соат 19³⁰ да у, турмуш ўртоғи Р.Э ва қизи Ў.Парманова бирга овқатланганлиги, улар овқатланаётганида тахминан соат 2⁰⁰ да турмуш ўртоғи Р.Эни қўл телефонида кўнғироқ бўлганлиги, у киши ташқарига чиқиб гаплашиб келганлиги, уйга кириб бирга овқатланиб бўлгач кўчада иши борлигини, тезда қайтиб келишини айтиб чиқиб кетганлиги, шундан сўнг соат 22⁰⁰ ларга қадар кутиб ўтирганлиги, турмуш ўртоғи Р.Э келмагандан сўнг қўл телефонида кўнғироқ қилганлиги, бироқ хизмат доирадан ташқарида бўлганлиги сабабли тушолмаганлиги, 2019 йил 29 сентябрь куни эрталаб тахминан соат 05⁰⁰ да қайинсинглиси Ш.Эга кўнғироқ қилиб, турмуш ўртоғи Р.Э кечқурун уйга келмаганлиги, Болтабой ака кеча чақирганлиги, балки шу билан бирга бўлиши мумкин деб айтганлиги, қайинсинглиси Ш.Э тахминан соат 06⁰⁰ да унга кўнғироқ қилиб, Болтабой ака билан бирга бўлмаганлиги, кеча соат 19⁰⁰ ларга яқин уйига кетганлигини айтганлиги, шундан сўнг яқин қариндошларга кўнғироқ қилиб турмуш ўртоғи Р.Эни кеча соат 20⁰⁰ ларда чиқиб кетиб уйга қайтиб келмаганлиги, уни кўрган ёки кўрмаганлигини сўраганлиги, сўнг уйдан ўтирганида ИИБ ходимлари келиб турмуш ўртоғи Р.Эни сўраганлиги, сўнг у кишини кеча уйдан чиқиб кетиб, қайтиб келмаганлигини айтганлиги, шундан сўнг ИИБ ходимлари уни ИИБ маъмурий биносига олиб кетишганлиги, у ерга борганида турмуш ўртоғи Р.Энинг мурдаси “????????” каналдан топилганлигини айтишганлиги, кейинчалик билишича турмуш ўртоғи Р.Эни М.Д, П.Д, К.Д ва Х.Ф қасддан бўғиб ўлдирганлигини эшитганлиги, уларга нисбатан даъвоси борлигини инобатга олиб, қонунда кўрсатилган оғир жазо тайинлаш ҳақидаги;

- судда сўроқ қилинган гувоҳ Х.Мнинг, 2019 йил 28 сентябрь куни эрталаб соат 9³⁰ ларда у фарзанди Н.Эни олиб, ???????? туман марказий поликлиникасига чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказиш учун борганлиги, шифохонада бўлганида қўл телефонида охирги рақамлари 68-30 ёки 30-68 бўлган телефон рақамидан кўнғироқ бўлганлиги, у кўнғироққа жавоб бериб, кимлигини сўраганлиги, кўнғироқ эгаси унга “...мен Р акангиз бўламан” деб айтганлиги, унга Р акаси йўқлигини айтганлиги, шунда кўнғироқ эгаси унга “...патир ёпиб чарчамайабсизми” деб сўраганлиги, унга патир ёпмаслиги, патирчининг номерини олиб ўзига кўнғироқ қилишини ҳамда уни безовта қилмаслигини айтиб ўчириб қўйганлиги, шифохонадан соат 11²⁰ ларда чиқиб, уйига қайтиб келганлиги, йўлда қайнукаси М.Дни кўриб қолганлиги, у билан саломлашиб, унга бир бегона номердан эркак киши телефон қилиб, “...ундан патир ёпасизми” деб сўраганлиги, у ўзини Р ака деб таништирганлиги, қайнукаси М.Д унга таксичи Р эмасми деб сўраганлиги, унга ўша номерни кўрсатганлиги ва унга телефон қилишини, ундан безовта қилмаслигини сўрашини айтганлиги, унга қайнукаси М.Д уйга кетаверишини ва у ордидан уйга боришини айтганлиги, тахминан соат 12¹⁵ да қайнукаси М.Д бир ўзи уйига борганлиги, унга телефон қилган шахсининг кимлигини билган ёки билмаганлигини сўраганлиги, унга қайнукаси М.Д Рга телефон қилишини, у эшитиб туришини айтганлиги, у Рга телефон қилганлигини, Р телефонни кўтариб, у унга “...яхшимисиз” деб сўрашганлиги, Р унга қисқача “...яхши” деб жавоб берганлиги, ундан қайси Р эканлигини сўраганлиги, у 33-мактабни олдидан Р эканлигини айтганлиги, ундан “...таксичимисиз” деб сўраганида, Р ҳа деб жавоб берганлиги, уни телефон рақамини қаердан олганлигини сўраганлиги, Р унга телефон номерини қизил рангли жигулидан олганлигини



айтганлиги, ундан гапни айлантириб номерини қаердан ва кимдан олганлигини қайта-қайта сўраганлиги, Р уни учрашувга таклиф қилиб, учрашганида айтишлигини, керак бўлса ўша одамни уни олдиға олиб келиб беришини айтганлиги, лекин қаерда учрашишини айтмаганлиги, бу вақтда телефони баланд овозда эканлиги, сўзлашувни қайниси М.Д эшитиб турганлиги ва унга гапни чўзишини имо ишора қилиб тушунтирганлиги, сўнг у Рга гап сўз бўлиб кетаман, кимдир унга уни тавсия қилган ёки қилмаганлигини сўраганлиги, у йўқ деб жавоб берганлиги, Р унга ҳеч ким билмаслигини, ҳаммаси ёпиқ бўлишини, чой устида гурунг қилишни айтганлиги, шу вақтида қайниси М.Днинг жаҳли чиқиб кетганлиги ва унга имо ишора орқали телефонни ўчиришини сўраганлиги, у телефонни ўчирганлиги, сўнг қайниси М.Д у ўзини ушлаб тура олмаслигини айтиб уйига кетганлиги, сўнг у ҳовлиларни йиғиштириш билан шуғулланганлиги, шу куни тахминан соат 17⁰⁰ да қайнукаси М.Д яна уйга бир ўзи келганлиги ва унга "...янга буни иссиғида босамиз, кўзига кўрсатамиз, кўрқитамиз" деб айтганлиги, унга индамаслигини айтганлиги, М.Д унга қандай индамай бўлишини билдирганлиги, у номерини бошқаларга ҳам тарқатиши мумкинлигини, давраларда ўтирган вақтида Р ҳаммага "...палончанинг хотини билан юраман" деб айтса уларга ва акасиға иснот бўлишлиги, улар шу ерда бўлиб уни ҳимоя қилолмаса уят бўлишлиги, ундан нима қилмоқчи эканлигини сўраганида, М.Д унга Рга бир икки мушт тушириб гапирмайдиган қилишини айтганлиги, ким билан бу ишни қилишлигини айтмаганлиги, унга М.Д Рни кечги вақт чақириб беришини, у жойини айтишини маълум қилиб уйига кетганлиги, сўнг у уйда ишлари билан машғул бўлганлиги, шу куни соат 19³⁰ ларда уйга қайнилари М.Д, П.Д, К.Д ва укаси Х.Ф биргалиқда келишганлиги, ундан укаси Х.Ф "...опа нима бўлябди" деб сўраганлиги, унга бўлган воқеани айтиб берганлиги, сўнг қайнилари М.Д, К.Д, П.Д ва укаси Х.Фга Р хотинбозлигини айтишганлиги ва уни ҳозирнинг ўзида оғзини ёпмаса, телефон рақамини бошқаларга ҳам бериб, тарқатиб юборишлигини айтганлиги, М.Д Рни чақиртириб уни бир икки мушт уриб қўйиб юборишларини айтганлиги, улардан бу ишни қилмасликни сўраганлиги, шунда уни гапига қайнилари М.Д ва П.Длар укаси Х.Флар рози бўлмаганлиги, М.Д унга Рга телефон қилишини ва уни уйдан тахминан 300 метр узоқликда бўлган, ???????? маҳалласига қаровчи ҳозирда фаолият юритмайдиган бўш бино ҳолатига келиб қолган эски боғчага чақириб беришини сўраганлиги, сўнг у тахминан соат 20²⁰ да Рга телефон қилганлиги, у гўшакни кўтарганлиги, унга "...Р ака бугун кечга келинг" деб айтганлиги, у унга "...хўп, қаерга борай" деб сўраганлиги, унга ўша М.Д айтган эски боғчага келишлигини айтганлиги, Р ака келишлигини, уни уйига яқин қолганда телефон қилишини ва уни чиқишини айтганлиги, унга хўп деб жавоб берганлиги, бу суҳбатни қайнилари М.Д, П.Д, К.Д ва укаси Х.Ф эшитиб туришганлиги, унга қайниси М.Д ва укаси Х.Ф Р келиб телефон қилганида уни чиқмаслигини ва ўзини эски боғчага бораверишини айтишини тушунтирганлиги, уни уйга кириб туришини билдирганлиги, уларга у ҳам боришини айтганлиги, улар рози бўлмаганлиги, сўнг у уйда қолганлиги, қайнукалари М.Д, П.Д, К.Д ва укаси Х.Флар боғчага бориб туришини айтиб кетганлиги, у уйига кириб телевизор кўриб ўтирганида соат 21⁰⁰ ларда унга Р ака телефон қилиб, уйининг рўпарасига келганлигини айтганлиги, унга машинасида эски боғчага томон бораверишини айтганлиги, Р ака унга автомашинани чироқларини ўчириб четга олиб тайёр бўлиб туришлигини билдириб, у кишиға уйни олдида бир автомашина турганлигини, у кетса боришини айтиб, телефонни ўчирганлиги, шу куни уйда ўтирганида тахминан соат 22³⁰ да қайниси К.Д келиб, у Р акани уриб ўлдириб қуйганлигини айтганлиги, уни гапига ишонмасдан нима бўланлигини билиш учун қайниси М.Д ва укаси Х.Фга телефон қилганлиги, бироқ улар телефонни кўтаришмаганлиги, сўнг тахминан соат 23³⁰ да уйига қайнилари М.Д, П.Д ва укаси Х.Ф учаласи келишганлиги, шунда уларни олдиға чиққанлиги, улар Р.Эни ўлдириб қўйишганлигини айтганлиги, шундан сўнг барчалари уйларига кетишганлиги, 2019 йил 29 сентябрь куни уйда ўтирганида бир неча киши келишиб, ўғли Нодирбек кўчада жанжал қилганлигини айтиб, у билан ўғли Нодирбекни олиб, туман ИИБ маъмурий биносига олиб боришганлиги, сўнг у ерга борганидан сўнг марҳум Р.Эни ким ўлдирганлиги бўйича савол-жавоб қилганида бўлиб ўтган воқеани айтиб берганлиги ҳақидаги;

- суд мажлисида сўроқ қилинган гувоҳ Эшмуродова Гулшаҳар Халиловнанинг, судланувчи Х.Ф турмуш ўртоғи бўлишлиги, 2019 йил 28 сентябрь куни эрталаб туриб уйини ишларини қилганлиги, шундан сўнг тахминан соат 18⁰⁰ да турмуш ўртоғи Х.Ф ва кичкина ўғли Р.Р билан бирга боғдаги молларни соғиш учун борганлиги, сўнг молларни соғиб бўлганидан кейин турмуш ўртоғи Х.Ф боғга сув очганлиги, шу сувни ёпиши кераклигини айтиб қолганлиги, у ўғли Расулбек билан бирга уйга қайтиб келганлиги, шу куни кечга қадар турмуш ўртоғи Х.Ф уйга келмаганлиги, 2019 йил 29 сентябрь куни эрталаб туриб қараганида турмуш ўртоғи жойида ётганлигини кўриб, уни уйғотганлиги ва кеча қаерда эканлигини, нима сабабдан кеч келганлигини сўраганида унга аб "...ишинг бўлмасин" деб айтганлиги, шундан сўнг ташқарига чиқиб қараса уйда бегона чопон танлиги, бу чопон кимники деб сўраганда у киши "...опам Хни уйига борган эдим, кечқурин



совук бўлганлиги учун поччам Сирожиддинни чопонини кейиб келдим” деб жавоб берганлиги, кейин у бозорга чиқиб кетганлиги ва бозор қилиб уйга қайтиб келганида турмуш ўртоғи Х.Ф ховлини ерини трактор билан ҳайдатаётганлиги, шунда у кишини олдига бориб кеча кийган кийимлари қаерда эканлигини, ювмоқчилигини айтганида уйда ҳаммомда турганлигини айтганлиги, у уйни кидириб куриб турмуш ўртоғини кийимларини тополмаганидан сўнг қайта яна кийимлари қаердалигини уйдан тополмаганлигини айтганида турмуш ўртоғи Х.Ф кеча кийган кийимларини ёқиб юборганлигини айтганлиги, 2019 йил 30 сентябрь куни соат 00¹⁰ ларда уйда ётганида бир икки киши келиб турмуш ўртоғи Х.Фни чақирганлиги, у киши ташқарига чиққанида ўзлари билан бирга олиб кетишганлиги, кейинроқ турмуш ўртоғини қайнопаси ????????, унинг қайнукалари К, П ва Млар билан бирга ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари олиб кетишганлигини эшитганлиги, турмуш ўртоғини излаб ИИБ биносига борганида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимларидан бири турмуш ўртоғи Х.Ф қайнопаси ???????ни қайнукалари М.Д, П.Д ва К.Длар билан бирга фуқаро Р.Эни ўлдирганлигини айтганлиги ҳақидаги;

- судда сўроқ қилинган гувоҳ Т.Жнинг, 2019 йил май ойидан буён ??????? тумани, ??????? маҳалла фуқаролар йиғини раиси лавозимида ишлаб келишлиги, 2019 йил 29 сентябрь куни соат 21⁰⁰ ларда шифохонада ётганида туман ИИБдан қўнғироқ қилишиб, унга 97-406-06-61 телефон рақамига қўнғироқ қилиб, ???????га тегишли ёки тегишли эмаслигини аниқлаб беришини сўрашганлиги, шундан сўнг у ушбу телефон рақамига қўнғироқ қилганида ??????? олганлиги, ундан яқинда уйланган қайнукаларини никоҳдан ўтканлиги тўғрисидаги гувоҳномаси бор ёки йўқлигини сўраганлиги, у борлигини айтганидан сўнг телефонни қўйиб, ИИБ ходимига қўнғироқ қилиб ушбу рақам ???????га тегишли эканлигини айтганлиги, шунда улардан нима гап эканлигини сўраганида, ИИБ ходимлари Р.Эни ўлдириб кетилганлиги ҳолати бўйича ??????? гумон қилинаётганлигини айтишганлиги, 2019 йил 30 сентябрь куни марҳум Р.Э.Х.Махмдовага ишқий муносабатда бўлишни таклиф қилганлиги учун унинг қайнукалари М.Д, П.Д, К.Д ва укаси Х.Ф бирга уриб ўлдирганлигини эшитганлиги, улар яшайдиган маҳаллада 20 йилдан бери ишлашлиги, уларнинг оиласи маҳаллада нотинч оилалар рўйхатида турмаслиги, М.Д, П.Д, К.Длар отасидан егим қолганларидан кейин қийналиб қолишганлиги, кейинчалик ўзлари меҳнатлари билан ўзларини тиклаб олишганлиги, шу сабабли кеч уйланишганлиги, улар М.Д, П.Д уйланганига 6-7 кун бўлганда ушбу ҳолат содир бўлиб ИИБ ходимлари уларни олиб кетишганлиги, ??????? ҳам енгил табиатли аёллар рўйхатида турмаслиги, М.Д, П.Д ва К.Длар маҳалла томонидан ижобий тавсифланиши ҳақидаги;

- судда сўроқ қилинган гувоҳ Я.Мнинг, у судланувчи П.Днинг турмуш ўртоғи бўлишлиги, 2019 йил 21 сентябрь куни тўйи бўлганлиги, П.Д билан 7 кун бирга яшаганлиги, 2019 йил 28 сентябрь куни тахминан соат 17³⁰ да турмуш ўртоғи уйдан чиқиб кетганлиги, сўнг у овсини Ш.А билан бирга уйда телевизор кўриб, ухлаб қолганлиги, 2019 йил 29 сентябрь куни тахминан соат 02⁰⁰ да турмуш ўртоғи П.Д келиб уни уйғотиб, чой қуйишини ва чарчаганлигини айтганлиги, ундан кеч бўлганда қаердан келаётганлигини ҳамда нима қилиб юрганлигини сўраганида, унга ҳеч нарса айтмаганлиги, сўнг у туриб чой қуйганлиги ҳамда у киши билан бирга чой ичиб бўлганидан сўнг уйга кириб ётиб ухлаганлиги, 2019 йил 29 сентябрь куни тахминан соат 21³⁰ да уйда ётганида кимдир келиб эшикни таққилатиб ҳовлисига кириб келганлиги, шу вақти турмуш ўртоғи П.Д ташқарига чиққанлиги, у ҳам ортидан ташқарига чиққанида ҳовлида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари юрганлигини кўрганлиги, улар турмуш ўртоғи П.Д, қайнакалари М.Д ва К.Дларни олиб кетишганлиги, шу куни турмуш ўртоғининг кийимларида қон доғи ёки бошқа шаклда ифлосланмаган бўлганлиги, 2019 йил 30 сентябрь қайнакалари К.Д, М.Д, турмуш ўртоғи П.Д ва овсини ???????ни укаси Х.Ф бирга қўшни қишлоқда яшовчи Р.Эни уриб ўлдирганлигини эшитганлиги ҳақидаги кўрсатувлари;

Шунингдек, судда сўроқ қилинган гувоҳ Ў.П, ???????, Г.Эларнинг кўрсатувлари ҳамда жиноят иши ҳужжатларида мавжуд ҳодиса жойини кўздан кечириш баённомаси ва фотожадвал (1-ж 3-13, 141-147 и.в);

- Мурдани таниб олиш учун кўрсатиш баённомаси ва фотожадвал (1-ж 14-16 и.в);
- Мурдани кўздан кечириш баённомаси ва фотожадвал (1-ж 17-23 и.в);
- РСТЭИАМ Самарқанд филиали ??????? бўлинмасининг 2019 йил 28 октябрдаги марҳум Э.Ровга нисбатан 40-сонли судга оид тиббий экспертиза хулосаси ва фотожадвал (1-ж 34-40 и.в);
- Espero русумли 30В ??? РА давлат рақами бўлган автомашинани кўздан кечириш баённомаси ва фотожадвал (1-ж 45-57 и.в);
- Самарқанд вилоят ИИБ ЭКБнинг 2019 йил 20 октябрдаги 373-сонли доктолоскопик экспертизаси хулосаси ва фотожадвал (1-ж 71-76 и.в);



- 2019 йил 30 сентябрдаги гумон қиланувчи М.Днинг кўрсатувларини ходиса содир бўлган жойда текшириш ҳақидаги баённомаси ва фотожадвал (1-ж 185-203 и.в);
- 2019 йил 30 сентябрдаги гумон қиланувчи Х.Фнинг кўрсатувларини ходиса содир бўлган жойда текшириш ҳақидаги баённомаси ва фотожадвал (1-ж 236-248 и.в);
- 2019 йил 30 сентябрдаги гумон қиланувчи П.Днинг кўрсатувларини ходиса содир бўлган жойда текшириш ҳақидаги баённомаси ва фотожадвал (1-ж 281-297 и.в);
- 2019 йил 30 сентябрдаги гумон қиланувчи К.Днинг кўрсатувларини ходиса содир бўлган жойда текшириш ҳақидаги баённомаси ва фотожадвал (1-ж 335-347 и.в);
- Ҳодиса жойини кўздан кечириш баённомаси ва фотожадвал (2-ж 1-5);
- Олиб қўйиш баённомаси (2-ж 9,13);
- Самарқанд вилоят руҳий касалликлар шифохонасининг судга оид психиатрия экспертизаси хулосалари (2-ж 133-134, 152-156, 169-170, 188-189 и.в);
- Х.Сулаймонова номидаги РСЭМ Самарқанд вилоят бўлимнинг судга оид автотехника экспертизаси хулосаси ва фотожадвал (2-ж 319-321 и.в);
- Х.Сулаймонова номидаги РСЭМ Самарқанд вилоят бўлимнинг судга оид транспорт-баҳолаш экспертизаси хулосаси ва фотожадвал (2-ж 330-331 и.в);
- Экпертиза текшируви учун намуналар олиш баённомаси (2-ж 354 и.в);
- Нарсани кўздан кечириш баённомалари ва фотожадвал (2-ж 355-366 и.в);
- РСТЭИАМ Самарқанд филиалининг 2019 йил 12 декабрдаги 156/1945-сонли ашёвий далилар экспертизаси хулосаси (3-ж 8-11 и.в);
- Нарсани кўздан кечириш баённомалари (3-ж 154-155, 157-165, и.в);
- Аудиоёзувни стенограмма қилиш баённомаси (3-ж 166-172 и.в), тушунтириш хатлари, юзлаштириш ва сўроқ баённомалари ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа холисона далилар йиғиндиси билан тўлиқ ўз исботини топган.

Суд ҳайъати, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2004 йил 24 сентябрь кунидаги “Қасддан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг 2-бандида шуни эътиборда тутиш лозимки, қасдан одам ўлдириш жинояти ҳам тўғри, ҳам эгри қасд билан содир этилиши мумкин. Қасддан одам ўлдириш жиноятини содир этаётганда айбдор жабрланувчини ҳаётдан маҳрум этиш қасди билан ҳаракат қилади, қилмишнинг иштимой хавфли оқибатларига кўзи етади, ўлим юз беришини истайди (тўғри қасд) ёки бунга онгли равишда йўл қўяди (эгри қасд) деб;

4-банди 3-хатбошида айбдорнинг қасди нимага қаратилганлиги тўғрисидаги масалани ҳал этишда қилмишнинг барча ҳолатлари мажмуидан келиб чиқилиши, хусусан, жиноятни содир этиш усули ва қуроли тан жароҳатлар сони, хусусияти ва ўрни (масалан, одам ҳаёти учун муҳим аъзоларнинг жароҳатланганлиги), жинойий ҳаракатлар тўхтатиш сабаблари, шунингдек, айбдор ва жабрланувчининг жиноят содир этилгунга қадар бўлган феъл-атвори, ўзаро муносабатлари, айбдорнинг жиноят содир этгандан кейинги ҳаракатлари хусусияти эътиборга олиниши лозим деб;

12-бандида, қасдан одам ўлдириш жиноятини ЖК 97-моддаси 2-қисмининг “ж” банди билан квалификация қилишда айбдорнинг қасди ўта шафқатсизлик билан одам ўлдиришга қаратилган бўлганлигини аниқлаш шартлиги, қонун ўта шафқатсизлик тушунчасини одам ўлдириш усули билангина эмас, балки айбдор томонидан ўта шафқатсизлик намоён этилганидан далолат берувчи бошқа ҳолатлар билан ҳам боғлаши, ўта шафқатсизлик билан одам ўлдириш усулларига, жумладан, ҳаётдан маҳрум этишдан олдин ёки қотиллик содир этиш жараёнида жабрланувчини қийноққа солиш ёки унга қаттиқ азоб етказиш билан боғлиқ (кучли оғриқ берувчи заҳардан фойдаланиш, тириклигини ёқиб юбориш, узоқ муддат овқат, сув бермаслик) ҳолларини ҳам киритиш мумкинлиги, баданга қўлаб шикаст етказиш орқали одам ўлдириш, фақат айбдор буни жабрланувчига қаттиқ азоб-укубат етказишга қаратилган тўғри қасд билан содир этган бўлса ўта шафқатсизлик кўриниши сифатида баҳолаши;

20-бандида, жабрланувчига нисбатан зўрлик ишлатиб, уни ҳаётдан маҳрум қилиш жараёнида бевосита иштирок этган икки ёки ундан ортиқ шахснинг ҳаракатлари ЖКнинг 97-моддаси 2-қисми “п” банди билан квалификация қилиниши лозимлиги ҳақидаги раҳбарий тушунтиришига амал қилган ҳолда судланувчи Д М Э, Ф Х Р, Д П Э ва Д К Э бир гуруҳ бўлиб, 2019 йил 28 сентябрь куни соат 21⁰⁰ ларда Р.Эни Х.Ф боши билан унинг юз қисмига бир маротаба урганидан сўнг, М.Д қўлида бўлган таёқ билан, П.Д ва К.Длар қўл-оёқлари билан танасининг дуч келган жойларига, жумладан ҳаёти учун муҳим бўлган тана аъзоларига дамба-дам бир неча маротаба ўта шафқатсизлик билан уриб тан жароҳатлари етказишгандан кейин, Х.Ф ўзларининг юий мақсадларини охирига етказиш учун дастлаб олдиндан тайёрлаб қўйган аёллар румоли ан, сўнг эса қўли билан Р.Энинг бўйин соҳасидан буғиб, бир неча маротаба қорин соҳасига



тегиб, Р.Эни ўта шафқатсизлик билан қасдан ўлдиришганликдаги жиноий ҳаракатларини дастлабки тергов органи томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 97-моддаси 2-қисми “ж,п” банди билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Бирок, дастлабки тергов органи томонидан судланувчи Д М Э, Ф Х Р, Д П Э ва Д К Энинг жиноий ҳаракатларини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 97-моддаси 2-қисми “и” банди, 164-моддаси 3-қисми “г” банди ва 267-моддаси 3-моддаси “в” банди билан нотўғри квалификация қилган.

Чунки, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 164-моддаси 3-қисми “г” бандида, ўзганинг мол-мулкни талон-торож қилиш мақсадида хужум қилиб, баданга оғир шикаст етказган ҳолда содир этганлик қилмиш учун;

- шу Кодекснинг 267-моддаси 3-моддаси “в” бандида, транспорт воситасини талон-торож қилиш мақсадида босқинчилик йўли билан содир этилган қилмиш учун жиноий жавобгарлик белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2004 йил 24 сентябрь кундаги “Қасдан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг 14-бандида, айбдорнинг ўзи ёки бошқа шахслар учун моддий наф кўриш (пул, мол-мулкни ёки унга эгалик ҳуқуқини, турар жойга нисбатан ва шу каби ҳуқуқларни қўлга киритиш) ёки моддий харажатлардан (мол-мулкни, қарзни қайтаришдан, хизматга ҳақ тўлашдан, мулкий мажбуриятларни бажаришдан, алимент тўлаш ва шу кабилардан) қутулиш мақсадида қасдан одам ўлдирилиши тамагирлик ниятида содир этилган жиноят сифатида (ЖК 97-моддаси иккинчи қисмининг “и” банди) квалификация қилиниши лозимлиги ҳақида;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1996 йил 20 декабрь кундаги “Транспорт воситаларини олиб қочиш ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг 1-бандида, судларга тушунтирилсинки, ЖКнинг 267-моддасида қайд этилган жиноят айбдор шахс томонидан транспорт воситасини турган жойидан бошқа жойга олиб қочган пайтдан бошлаб тамом бўлган деб ҳисобланишлиги ҳақида тушунтиришлар берилган.

Иш ҳужжатлари таҳлил қилинганда, дастлабки тергов органи томонидан Х.Ф, М.Д, П.Д ва К.Длар мархум Р.Эга ҳаёти ва соғлиги учун хавfli бўлган зўрлик ишлатиб унинг баданига оғир шикаст етказишгандан сўнг, мархумга тегишли бўлган бир дона баҳоси 100.000 сўм бўлган Нокиа русумли уяли телефонни унинг чўнтагидан олиб, босқинчилик йўли билан талон-торож қилиш;

- Х.Ф, М.Д К.Ж ва П.Длар мархум Р.Эга тегишли бўлган Espero русумли давлат рақами 30 В ??? РА бўлган машина салонига уни жойлаб, ушбу транспорт воситасини талон-торож қилиш мақсадида босқинчилик йўли билан олиб қочишиб, мурда ва жиноят содир этишда фойдаланган қуролларини йўқ қилиш учун ???????? тумани Бектуп маҳалласи ҳудудидан оқиб ўтувчи ???????? канали қирғоғигача автомобилани бошқариб боришиб, мурда ва жиноят қуролларини сувга ташлаб, Espero русумли давлат рақами 30В ??? РА бўлган автомобилани ???????? тумани, Тортувли маҳалласи, Тортувли кўчаси, 761-уйни олдиғача бошқариб боришиб, автомобилани шу жойда қолдириб кетганликда айбланган.

Бирок, дастлабки тергов органи томонидан судланувчи Х.Ф, М.Д К.Ж ва П.Дларнинг тамагирлик ниятида Р.Энини қасдан ўлдирганлиги, баданга оғир шикаст етказган ҳолда босқинчилик йўли билан ўзганинг мулкни талон-торож қилиш, зўрлик ишлатиб транспорт воситасини талон-торож қилиш мақсадида босқинчилик йўли билан олиб қочганликдаги ҳаракатини исботлайдиган ҳолисона далиллар йиғилмаган.

Бундан ташқари, биринчи босқич судида ҳам судланувчи Х.Ф, М.Д К.Ж ва П.Дларнинг айбини исботлайдиган объектив далиллар аниқланмади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 23-моддасида, айбдорликка оид барча шубҳалар, башарти уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши лозим, қонун қўлланилаётганда келиб чиқадиган шубҳалар ҳам гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши кераклиги кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2018 йил 24-августдаги “Далиллар мақбуллигига оид жиноят – процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги Қарорининг 11 бандида, ЖПК 26-моддасига мувофиқ жиноят ишини биринчи инстанцияда мазмунан кўриб чиқаётган суд далилларни бевосита текшириши, гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳларни сўроқ қилиши, фақат суд мажлисида текширилган далилларга асосланиб ҳукм чиқариши шарт деб тушунтириш берилган.

Суд ҳайъати, юқоридаги қонун ва Пленум талабларига амал қилган ҳолда судланувчи Х.Ф, М.Д П.Д бир гуруҳ булишиб, транспорт воситасини олиб қочиш ҳамда судланувчи К.Жнинг



жинойй шерикларига транспорт воситасини ҳаракатлантириш ва бошқаришга кўмаклашганликдаги жиноий ҳаракатини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 267-моддаси 3-моддаси “в” бандидан шу модданинг 2-қисми “б” бандига қайта квалификация қилишни;

- шунингдек, Х.Ф, М.Д К.Ж ва П.Днинг жиноий ҳаракатларидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 97-моддаси 2-қисми “и” банди ва 164-моддаси 3-қисми “г” бандини чиқариб, ишнинг шу қисмларини ҳаракатдан тугатишликни лозим топади.

Суд ҳайъати, судланувчи М.Д К.Ж ва П.Днинг Р.Эни қасддан ўлдиришмаганлиги ҳақидаги вазлари билан келишиб бўлмайди.

Чунки, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 28-моддасида, жиноятни бажарувчи билан бир қаторда ташкилотчи, далолатчи ва ёрдамчилар ҳам жиноят иштирокчилари деб топилади деб”

29-моддасида, ташкилотчи, далолатчи ва ёрдамчилар ҳам ушбу Кодекс Махсус қисмининг бажарувчини жавобгарликка тортиш белгиланган моддаси бўйича жавобгарликка тортиладилар деб кўрсатилган.

Суд ҳайъати, судланувчи М.Д К.Ж ва П.Длар марҳум Р.Эни бир гуруҳ бўлишиб, ўта шафқатсизлик билан қасддан одам ўлдириш ҳамда транспорт воситасини олиб қочишда ифодаланган ғайриқонуний ҳаракатлари жиноят иши ҳужжатларида мавжуд далил ва дастлабки терговда уларнинг гумон қиланувчи ва айбланувчи тариқасида берган кўрсатувлари ҳамда жиноят ишида сақланаётган тергов ҳаракатлари видео ёзувга олинган 19 дона DVD дискдаги лавҳалар ҳамда кўрсатувлари билан тўлиқ ўз исботини топган деб ҳисоблайди.

Суд ҳайъати, судланувчи Д М Энинг жиноятни содир этишдаги ҳолатларини муҳокама қилиб, унинг айбига қисман иқрорлиги ва қилмишидан пушаймонлиги қонунда кўрсатилган жазони енгиллаштирувчи ҳолат деб, ғараз ва паст ниятларда қасддан жиноят содир этганлигини жазони оғирлаштирувчи ҳолат деб баҳолайди.

Суд ҳайъати, судланувчи Ф Х Рнинг жиноятни содир этишдаги ҳолатларини муҳокама қилиб, унинг айбига қисман иқрорлиги ва қилмишидан пушаймонлиги қонунда кўрсатилган жазони енгиллаштирувчи ҳолат деб, ғараз ва паст ниятларда қасддан жиноят содир этганлигини жазони оғирлаштирувчи ҳолат деб баҳолайди.

Суд ҳайъати, судланувчи Д П Энинг жиноятни содир этишдаги ҳолатларини муҳокама қилиб, унинг айбига қисман иқрорлиги ва қилмишидан пушаймонлиги қонунда кўрсатилган жазони енгиллаштирувчи ҳолат деб, ғараз ва паст ниятларда қасддан жиноят содир этганлигини жазони оғирлаштирувчи ҳолат деб баҳолайди.

Суд ҳайъати, судланувчи Д К Энинг жиноятни содир этишдаги ҳолатларини муҳокама қилиб, унинг айбига қисман иқрорлиги ва қилмишидан пушаймонлиги қонунда кўрсатилган жазони енгиллаштирувчи ҳолат деб, ғараз ва паст ниятларда қасддан жиноят содир этганлигини жазони оғирлаштирувчи ҳолат деб баҳолайди.

Суд ҳайъати, судланувчи Д М Эга нисбатан жазо тури ва меъёрини белгилашда, ЖКнинг инсонпарварлик ва одиллик принципларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3-февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарорининг раҳбарий тушунтиришига амал қилган ҳолда, унинг айбига қисман бўлса-да, қилмишидан пушаймонлигини, шахсини, оилавий шароитини, ёшини, яшаш жойидан ижобий тавсифланганлигини, жиноят содир этишдаги ролини ва содир этилган жиноятларининг ижтимоий хавфлилик даражаси ҳамда хусусиятини инobatга олиб, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 97-моддаси 2-қисми “ж,п” бандлари ва 267-моддаси 2-моддаси “б” банди сакциялари доирасида озодликдан маҳрум қилиш жазосини жазоси тайинлашни, ЖКнинг 59-моддаси тартибида жазоларни қисман қўшишни ҳамда жазони умумий тартибли колонияларда ўташ белгилашликни лозим топади.

Суд ҳайъати, судланувчи Ф Х Рга нисбатан жазо тури ва меъёрини белгилашда, ЖКнинг инсонпарварлик ва одиллик принципларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3-февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарорининг раҳбарий тушунтиришига амал қилган ҳолда, унинг айбига қисман бўлса-да, қилмишидан чин кунгилдан пушаймонлигини, шахсини, оилавий шароитини, қарамоғида 2 нафар вояга етмаган фарзандлари борлигини, оилавий аҳолини, яшаш жойидан ижобий тавсифланганлигини, жиноят содир этишдаги ролини ва содир этилган жиноятларининг ижтимоий хавфлилик даражаси ҳамда хусусиятини инobatга олиб, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 97-моддаси 2-қисми “ж,п” бандлари ва 267-моддаси 2-моддаси “б” банди сакциялари доирасида озодликдан маҳрум қилиш жазосини жазоси тайинлашни, ЖКнинг 59-моддаси тартибида жазоларни қисман қўшишни ҳамда жазони умумий тартибли колонияларда белгилашликни лозим топади.



Суд хайъати, судланувчи Д П Эга нисбатан жазо тури ва меъёрини белгилашда, ЖКнинг инсонпарварлик ва одиллик принципларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3-февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарорининг раҳбарий тушунтиришига амал қилган ҳолда, унинг айбига қисман бўлса-да, қилмишидан пушаймонлигини, шахсини, оилавий шароитини ва аҳволини, яшаш жойидан ижобий тавсифланганлигини, жиноят содир этишдаги ролини ва содир этилган жиноятларининг ижтимоий хавфлилик даражаси ҳамда хусусиятини инобатга олиб, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 97-моддаси 2-қисми “ж,п” бандлари ва 267-моддаси 2-моддаси “б” банди сакциялари доирасида озодликдан маҳрум қилиш жазосини жазоси тайинлашни, ЖКнинг 59-моддаси тартибида жазоларни қисман қўшишни ҳамда жазони умумий тартибли колонияларда ўташ белгилашликни лозим топади.

Суд хайъати, судланувчи Д К Эга нисбатан жазо тури ва меъёрини белгилашда, ЖКнинг инсонпарварлик ва одиллик принципларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3-февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарорининг раҳбарий тушунтиришига амал қилган ҳолда, унинг айбига қисман бўлса-да, қилмишидан пушаймонлигини, шахсини, оилавий шароитини, қарамоғида 2 нафар фарзанди борлигини, яшаш жойидан ижобий тавсифланганлигини жиноят содир этишдаги ролини ва содир этилган жиноятларининг ижтимоий хавфлилик даражаси ҳамда хусусиятини инобатга олиб, унга нисбатан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 97-моддаси 2-қисми “ж,п” бандлари ва 267-моддаси 2-моддаси “б” банди сакцияларида кўрсатилган озодликдан маҳрум қилиш жазосидан ҳам кам озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаб, ЖКнинг 59-моддаси тартибида жазоларни қисман қўшишни ҳамда жазони умумий тартибли колонияларда ўташ белгилашликни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2016 йил 27-декабрдаги “Жиноят натижасида етказилган мулкий зиённи қоплашга оид қонунчиликни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг 9-банди 3-хатбошида, фуқаровий даъвога оид масалани ҳал этишда суд ЖПК 467-моддасига мувофиқ айблов ҳукмининг тавсиф қисмида даъвони тўла ёки қисман қаноатлантириш ёхуд рад этиш асосларини, жиноят натижасида етказилган мулкий зиён хусусияти ва миқдорини кўрсатиши, шунингдек, мулкий зиён миқдорига тегишли ҳисоблаш яқунларини келтириши ҳамда фуқаровий даъвони ҳал қилиш учун асос қилиб олинган қонун нормасини қайд этиши лозим деб тушунтириш берилган.

Суд хайъати, жабрланувчи Э.Га мазкур жиноят иши юзасидан айнан унга қанча моддий зарар етказилганлигини тасдиқловчи асосли ҳужжатлар тақдим этилмаганлиги ҳамда моддий зарар етказилганлигини тасдиқловчи маълумотлар жиноят ишида мавжуд эмаслиги ҳамда юқоридаги Пленум талабларига амал қилган ҳолда Самарқанд вилоят прокурорининг даъво аризасини рад этиб, жабрланувчи Г.Эга иш бўйича етказилган моддий ва маънавий зарарларни ундириш борасида фуқаровий суд ишларини юритиш тартибида тегишли ҳужжатларни илова қилган ҳолда судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга эканлигини тушунтиришни лозим топди.

Суд хайъати, ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг, далилий ашёларни сақлаш хонасида сақланаётган ҳодиса содир бўлган жойдан қонга ўхшаш доғлар олинган пахта тампони, Р.Э тегишли бўлган Espo русумли давлат рақами 30 В ??? РА бўлган автомашинасидан қонга ўхшаш доғлар намунаси олинган доқалар, М.Днинг эғнида бўлган қора рангли эркаклар трикоси, П.Днинг эғнида бўлган бир дона кул рангли футболка ҳамда кук рангли эркаклар дженси шими тегишли тартибда йўқ қилишни, фуқаро ????????га тегишли бўлган 1 дона “Samsung” русумли уяли телефон аппарати жиноят иши билан биргаликда сақлашликни, 19 дона DVD диск жиноят ишига қўшиб сақланаётганлигини инобатга олишни лозим топади.

Юқоридагиларга кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 211, 454-457, 460, 462-463, 465-468 ва 471-473-моддаларини қўллаб, суд хайъати;

х у к м қ и л а д и:

Судланувчи Д М Э , Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 97-моддаси 2-қисми “ж,п” бандлари ва 267-моддаси 2-моддаси “б” банди билан айбли деб топилсин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 97-моддаси 2-қисми “ж,п” бандлари билан 15 (ўн беш) йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 267-моддаси 2-моддаси “б” банди билан 10 (ўн) йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.



Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59-моддаси тартибида жиноятлар мажмуи тариқасида жазоларни қисман қўшиш йўли билан узил-кесил 16 (ўн олти) муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Жазони умумий тартибли колонияда ўташ белгиланиб, 2019 йил 30 сентябрь кунидан бошлаб ўтаётган ҳисоблансин ва эҳтиёт чораси аслича қолдирилсин.

Судланувчи **Ф Х Р**, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 97-моддаси 2-қисми “ж,п” бандлари ва 267-моддаси 2-моддаси “б” банди билан айбли деб топилсин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 97-моддаси 2-қисми “ж,п” бандлари билан 18 (ўн саккиз) йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 267-моддаси 2-моддаси “б” банди билан 10 (ўн) йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59-моддаси тартибида жиноятлар мажмуи тариқасида жазоларни қисман қўшиш йўли билан узил-кесил 18 (ўн саккиз) 6 (олти) ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Жазони умумий тартибли колонияда ўташ белгиланиб, 2019 йил 30 сентябрь кунидан бошлаб ўтаётган ҳисоблансин ва эҳтиёт чораси аслича қолдирилсин.

Судланувчи **Д П Э**, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 97-моддаси 2-қисми “ж,п” бандлари ва 267-моддаси 3-моддаси “б” банди билан айбли деб топилсин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 97-моддаси 2-қисми “ж,п” бандлари билан 15 (ўн беш) йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 267-моддаси 2-моддаси “б” банди билан 10 (ўн) йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59-моддаси тартибида жиноятлар мажмуи тариқасида жазоларни қисман қўшиш йўли билан узил-кесил 15 (ўн беш) 3 (уч) ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Жазони умумий тартибли колонияда ўташ белгиланиб, 2019 йил 30 сентябрь кунидан бошлаб ўтаётган ҳисоблансин ва эҳтиёт чораси аслича қолдирилсин.

Судланувчи **Д К Э**, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 97-моддаси 2-қисми “ж,п” бандлари ва 267-моддаси 2-моддаси “б” банди билан айбли деб топилсин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 97-моддаси 2-қисми “ж,п” бандлари билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, 13 (ўн уч) йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 267-моддаси 2-моддаси “б” банди билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, 8 (саккиз) йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59-моддаси тартибида жиноятлар мажмуи тариқасида жазоларни қисман қўшиш йўли билан узил-кесил 13 (ўн уч) йил 2 (икки) ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Жазони умумий тартибли колонияда ўташ белгиланиб, 2019 йил 30 сентябрь кунидан бошлаб ўтаётган ҳисоблансин ва эҳтиёт чораси аслича қолдирилсин.

Хукм қонуний кучга кирганидан сўнг, далилий ашёларни сақлаш хонасида сақланаётган ходиса содир бўлган жойдан қонга ўхшаш доғлар олинган пахта тампонни, Р.Э тегишли бўлган Espero русумли давлат рақами 30 В ??? РА бўлган автомашинадан қонга ўхшаш доғлар намунаси олинган докалар, М.Днинг эгнида бўлган қора рангли эркалар трикоси, П.Днинг эгнида бўлган бир дона кул рангли футболка ҳамда кўк рангли эркалар джинси шими тегишли тартибда йўқ қилинсин;

- фуқаро ????????га тегишли бўлган 1 (бир) дона “Samsung” русумли уяли телефон аппарати жиноят иши билан биргаликда сақлансин;

19 (ўн тўққиз) дона DVD диск жиноят ишига қўшиб сақланаётганлиги инобатга олинсин.

Жабрланувчи Э.Га иш бўйича етказилган моддий ва маънавий зарарни ундириш борасида фуқаровий суд ишларини юритиш тартибида судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга эканлиги тушунтирилсин.

Хукмдан норози томонлар ўн сутка ичида жиноят ишлари бўйича Самарқанд вилоят суди орқали вилоят судининг апелляция инстанцияси судлов ҳайъатига апелляция тартибида шикоят, прокурор протест келтиришга, хукм қонуний кучга киргандан кейин кассация тартибида шикоят,

курор протест келтиришга ҳақлидирлар.

Хукм раислик қилувчи томонидан маслаҳатхонада “Flatron” русумли компьютерда ёзилди.



Раислик қилувчи:

(имзо)

Ж.Ботиров

Халқ маслаҳатчилари:

(имзо)

Т.Набиева

Аслига тўғри:

(имзо)

М.Хаджаева

Хужжат имзоланган: Ботиров Жамшид Хайриддинович, 05.03.2020

